JPA INTERNATIONAL
Audit, Accounting, Tax, Consultancy
A Worldwide Network of Independent Firms

LIMITED LIABILITY COMPANY «TTT-AUDIT»

TTT AUDIT

147 office B.Marginoniy street. Fergana. Uzbekistan. 150100. ХАБ «TRAST BANK»
accent 20 208 000 100 921 886 001. MFO 01123 INN: 202 216 926 OKONX: 84400
Tel . + 99891 651 80 13 Web sayt: ttt-audit.uz www.tttaudit.uz Email: tttaudit @ mail.ru
The license AF № 00327 issued by Ministry of Finance from 2008.02.25.

Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСА

Сана: 28 апрел 2017 йил

"Богдод Экспрементал тажриба пахта тозалаш заводи " АЖ акциядорларига

Манзили: **"Богдод Экспрементал тажриба пахта тозалаш заводи " АЖ .** Богдод тумани Кенагас қишлогида жойлашган. Агро банк Богдод туман х/р 2021 0000 3002 2306 2001. МФО 00504. Окэд 17111. ИНН 200 158 328.

Биз, Масъулияти чекланган жамият шаклидаги **«TTT-AUDIT»** аудиторлик ташкилоти (Манзили: 150100. Фаргона шахри Б.Маргиноний-147 уй. ХАБ "TRAST BANK" Фаргона ш. х/р 2020 8000 1009 2188 6001, МФО 01123, ИНН 202216926, Оконх 84400, тел (0 373) 2416448 email: tttaudit@mail.ru. Ўзбекиҫтон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси худудида барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текшируви ўтказиш хуқуқи билан 25.02.2008 йилда берилган АФ № 00327-сонли Лицензияси хамда Адлия Вазирлиги томонидан 12.05.1997 йилда № 335 –реестр билан рўйхатга олинган гувоҳнома) бош аудитори **Хожиакборов С.Г** томонидан (*Аудитор малака сертификати №- 05468 11.03.2017 йилда Молия Вазирлиги томонидан берилган*) хўжалик юритувчи субъект **"Богдод Экспрементал тажриба пахта тозалаш заводи " АЖ** томонидан тақдим этилган молиявий хисоботнинг "Бухгалтерия баланси" Ф-1, "Молиявий натижалар" Ф-2, "Хусусий капитал" Ф-3, "Пул оқимлари тўгрисидаги хисобот" Ф-4 хисобот шаклларидан иборат 2016 йил 01 январидан- 2016 йил 31 декабрь холатидаги молиявий хисоботнинг ишончлилигини **мажбурий** тарздаги аудиторлик текширувидан ўтказдим.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **"Богдод Экспрементал тажриба пахта тозалаш заводи " АЖ** томонидан илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект **“Богдод Экспрементал тажриба пахта тозалаш заводи ” акциядорлик жамиятининг 2016 йил 31 декабрь** ҳолатидаги молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «TTT-AUDIT» аудиторлик ташкилот бош директори , бош аудитор САР **Ботиров М Х**

Бош аудитор **Хожакборов С**

Аудитор малака сертификати № 05052
25.08.2012 йилда Молия Вазирлиги
томонидан берилган